

Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти молия-  
иқтисод ишлари бўйича проректори-комиссия раиси



С.Ф. Маматов

» \_\_\_\_\_ 2022 й.

**Бажарувчи ташкилотни танлаб олиш учун**

**ТАНЛОВ ҲУЖЖАТИ**

**Қарши - 2022**

**Танлов ҳужжатларининг мазмуни:**

- 1. Танлов иштирокчилари учун йуриқнома**
- 2. Техник қисм**
- 3. Нархлар қисми**

**1. Танлов иштирокчилари учун йуриқнома**

1. Танлов предмети Қарши шаҳри Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти нишабли далаларга ишлов берадиган ва дон экадиган машиналар ишлаб чиқиш ишлари.
- 1.2. Танлов қиймати 473 219 900 сум. Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.
- 1.3. Махсулот бўйича Техник топширик танлов ҳужжатларининг техник қисмида келтирилган.  
Ушбу танлов яқунлари бўйича голиб чиккан ташкилот билан шартнома тузилади.
- 1.4. Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб 30 кун.
- 1.5. Махсулотни олиб келиш муддати – аванс маблағи утказилган кундан бошлаб ҳисобланади.

**2. Танлов ташкилотчилари**

- 2.1 Қарши шаҳар Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти (бундан кейин “Буюртмачи” деб аталади) – танлов ташкилотчиси ҳисобланади.

“Буюртмачи” манзили: Қарши шаҳар, Мустақиллик кўчаси, 225 уй

2.2. Танлов “Буюрмачи” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади.

2.3. Танлов Қарши шаҳар Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти “Буюртмачи” томонидан тузилган Харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қуйидаги малакавий талаблар қўйилади:

Танлов предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридagi айланма маблағларининг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги;

- Шартномалар тузиш юзасидан фуқоролик-муомала ҳуқуқий лаёқати ва ваколатлар;
- Танлов объектига ўхшаш объектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги;
- Ўз кучлари билан илгари бажарилган иш ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар;
- Низом маблағлар миқдори.

3.3. Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлиқ фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

3.4. Қуйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди:

Қайта ташкил этилиш (ажратилиши, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

#### **4. Танловда иштирок этиш учун таклифларни тақдим этиш**

4.1. Иштирокчилар ўз таклифларини электрон кўринишда (etender.uzex.uz) порталига электрон танловлар ўтказиш учун жойлаштирилиши лозим.

4.2. Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва ҳужжатлар, маълумотлар “Буюртмачи” ва “Иштирокчи” ихтиёрига кўра ўзбек ёки рус тилида тақдим этилиши мумкин.

4.4. Қуйидаги ҳужжатлар тўлиқ бўлиши талаб талаб этилади:

- Техник ва нархлар бўйича қуйидаги таклифлар:
- Техник ҳужжатлар рўйхати (брошюралар, техник паспорлар ёки ўхшаш ҳужжатлар рўйхати илова қилинади);

4.5. Танлов иштирокчиси:

-фақат битта таклиф бериши мумкин;

-тақдим этилаётган ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва маълумотларнинг ҳаққонийлигига тўлиқ жавобгар бўлади;

-таклифлар бериш муддати тугагунга қадар ўз таклифларини қайтариб олиш ёки ўзгартириш киритиш ҳуқуқига эга.

#### **5. Томонларнинг жавобгарлиги**

- 5.1. Давлат харидлари тўғрисидаги Қонун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.
- 5.2. Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда қолиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш бўйича мажбурдир.
- 5.3. Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча ҳужжатларни ҳақиқийлиги ва тўғрилигига жавобгардир.
- 7.1 . Давлат буюрмачиси танлов ҳужжатларига узгартириш киритиш тугрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида уч кун олдин қарор қабул қилишга ҳақли. Товарни (ишни, хизматни) ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов ҳужжатларига ўзгартишлар киритилган санадан эътиборан камида ўн кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вақтда, агар эълонда курсатилган ахборот ўзайтирилган булса, танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгаришлар киритилади.
- 7.2. Танлов иштирокчиси танлов ҳужжатлари қоидаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига сўров юборишга ҳақли. Сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш кунига давлат буюртмачиси, агар мазкур сўров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов ҳужжатларининг қоидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун-моҳиятини ўзгартирмаслиги керак.
- 7.3. Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади ҳамда ундан олинган кўчирма у имзоланган кундан эътиборан уч иш кун ичида махсус ахборот порталида эълон қилинади.
- 7.4. Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни куриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон килинганидан сунг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш тугрисида суров юборишига ҳақли. Давлат буюртмачиси бундай суров келиб тушган санадан эътиборан уч иш кун ичида танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни тақдим этиши шарт.
- 7.5. Танлов натижалари бўйича шартнома танлов ҳужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда кўрсатилган шартлар асосида тузилади.